

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ PhD.28.03.2018.Ped.02.05 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ

ДАВРОНОВА ДИЛДОРА САИДОВНА

**ОИЛАДА ВОЯГА ЕТМАГАН БОЛАЛАРНИНГ
ИЖТИМОЙ ОНГИНИ ТАРБИЯЛАШ ТИЗИМИНИ
РИВОЖЛАНТИРИШ**

13.00.01 – Педагогика назарияси. Педагогик таълимотлар тарихи

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Самарқанд – 2018

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
педагогическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on
pedagogical sciences**

Давронова Дилдора Саидовна

Оилада вояга етмаган болаларнинг ижтимоий онгини тарбиялаш
тизимини ривожлантириш..... 3

Давронова Дилдора Саидовна

Развитие системы воспитания общественного сознания
несовершеннолетних в семье..... 25

Davronova Dildora Saidovna

To develop the training system of the underage's' social mind (their)
family..... 47

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of publications..... 51

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ PhD.28.03.2018.Ped.02.05 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ

ДАВРОНОВА ДИЛДОРА САИДОВНА

**ОИЛАДА ВОЯГА ЕТМАГАН БОЛАЛАРНИНГ
ИЖТИМОЙ ОНГИНИ ТАРБИЯЛАШ ТИЗИМИНИ
РИВОЖЛАНТИРИШ**

13.00.01 – Педагогика назарияси. Педагогик таълимотлар тарихи

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Самарқанд – 2018

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В.2018.1PhD/Ped.402 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент давлат техника университетида бажарилган
Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.samdu.uz) ва “ZiyoNET” Ахборот-таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Мусурманова Айниса
педагогика фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Маҳмудова Муяссар Маҳмудовна
педагогика фанлари доктори, профессор

Исмаилова Зухра Карабаевна
педагогика фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Ўзбекистон Миллий университети

Диссертация ҳимояси Самарқанд давлат университети ҳузуридаги PhD.28.03.2018.Ped.02.05 рақамли Илмий кенгашнинг 2018 йил «_____» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 140104, Самарқанд шаҳри, Университет хиёбони 15-уй. Тел.: (0366) 239-12-29, факс: (0366) 239-13-87, e-mail: kengash-pf@samdu.uz).

Диссертация билан Самарқанд давлат университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (_____ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 140104, Самарқанд шаҳри, Университет хиёбони 15-уй. Тел.: (0366) 239-11-51).

Диссертация автореферати 2018 йил «_____» _____ куни тарқатилди.
(2018 йил «_____» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

Х.Ибраимов

Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш раиси, п.ф.д., профессор

М.А.Файзиев

Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш котиби, п.ф.н., доцент

Н.Шодиев

Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш қошидаги илмий семинар раиси,
п.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти. Дунёда болалар ҳуқуқ ва манфаатларини халқаро миқёсда ҳимоя қилишга қаратилган Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг “Халқаро Оила куни” резолюцияси, ЮНЕСКОнинг “Бола ҳуқуқлари тўғрисида”ги конвенцияси, “Минг йиллик ривожланиш” ҳамда “Болалар ҳаёт кечириши учун мақбул дунёни яратиш тўғрисида”ги декларациялари вояга етмаган боланинг жамиятда мустақил ҳаётга тўла тайёрланишини таъминлаш, бола ҳуқуқлари соҳасида халқаро стандартларни шакллантириш, миллий қонунчиликда болалар манфаатларини муҳофаза қилишнинг ҳуқуқий асосларини янада такомиллаштиришда катта аҳамият касб этмоқда. Бу, ўз навбатида, оилаларда ижтимоий маънавий муҳитни соғломлаштириш, вояга етмаган болаларнинг маънавий таҳдидларга нисбатан мафкуравий иммунитетини мустаҳкамлашда муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

Жаҳонда дунё болаларининг таълим ва тарбия олишида тенг ҳуқуқни таъминлаш, уларнинг ўсиб-улғайиши ва фаровонликка эга бўлиши учун жамият доирасидаги мажбуриятларини ўз зиммасига тўлиқ оладиган бўлишига эришиш, оила шароитида вояга етмаган болаларни ижтимоий ҳаётга мослаштириш масалалари бўйича илмий-тадқиқотларга эътибор қаратилмоқда. ЮНИСЕФ, ЮНФПА, Консорциум (КБК), EFSC, “Гуманитар-Ҳуқуқий марказ” ташкилот ва тадқиқот марказлари фаолиятининг асосий йўналишлари бевосита мазкур муаммо билан боғланган. Олинган натижалар эса оилада вояга етмаган болаларнинг ижтимоий онгини тарбиялаш мазмуни, педагогик шарт-шароитларини ривожлантириш, бу борада оила, таълим муассасалари ҳамкорлиги самарадорлигини оширишда муҳим ҳисобланади.

Мамлакатимизда оила институти фаолиятини ривожлантириш, маънавий кадриятлар тарғиботи ва аҳамиятини ошириш, меъёрий-ҳуқуқий таъминотни такомиллаштириш ва моддий-техник шароитларни яхшилашга қаратилган ислохотлар фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг оилалардаги иштироки ва ўрнини мустаҳкамлаш, таълим-тарбия жараёнлари олдига қўйилган маънавий баркамол шахсни тарбиялаш мақсадини амалга ошириш имкониятини кенгайтди. Шунингдек, оилада вояга етмаган болаларнинг ижтимоий онгини тарбиялаш тизими самарадорлигини “Оила-маҳалла-таълим муассасаси” ҳамкорлиги асосида ривожлантириш зарурати юзага келмоқда. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида “жисмонан соғлом, руҳан ва ақлан ривожланган, мустақил фикрлайдиган, Ватанга содиқ, қатъий ҳаётий нуқтаи назарга эга ёшларни тарбиялаш, демократик ислохотларни чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш жараёнида уларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш”¹ каби устувор вазифалар белгиланиб, бу борада вояга етмаган болалар ижтимоий онгини тарбиялашга қаратилган ҳуқуқий-меъёрий

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар Стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сон Фармони. – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 6-сон, 70-модда.

таъминотни бойитиш, оилада вояга етмаган болаларни ижтимоий кўллаб-қувватлаш мазмунини такомиллаштириш, “Ота-оналар университети” жамоатчилиқ тузилмасининг ҳамкорлик функцияларини аниқлаштириш долзарб аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сон, 2018 йил 2 февралдаги “Хотин - қизларни кўллаб-қувватлаш ва оила институтини мустаҳкамлаш соҳасидаги фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5325-сон фармонлари, Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 26 мартдаги “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги “Оила” илмий-амалий тадқиқот маркази фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 229-сон Қарори, шунингдек, мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Диссертация тадқиқоти фан ва технологияларни ривожлантиришнинг I. “Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш” устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Оилада баркамол шахсни тарбиялашнинг фалсафий, ижтимоий ва ҳуқуқий жиҳатларини файласуф, ҳуқуқшунос, социолог олимлар Н.Ашурова, Э.Асамиддинов, А.Бегматов, М.Бекмуродов, М.Йўлдошев, И.Каримов, Д.Кенжаева, Г.Маткаримова, У.Муҳаммадиев, К.Нажмиддинова, С.Отамуродов, Д.Раҳимбоева, З.Рўзиев, З.Солиева, Ш.Тўраев, А.Эркаева, И.Эргашев, М.Ўразалиев, И.Қувондиқов ва бошқаларнинг изланишларида тадқиқ қилинган.

Оилада бола тарбиясининг педагогик психологик жиҳатлари М.Абдуллаева, М.А.Абдуллаева, Ф.Абдурахимова, Г.Арипова, Г.Алимова, Ш.Атаджанова, М.Иномова, С.Йўлдошева, О.Мусурманова, А.Мунавваров, М.Маҳмудова, А.Мухсиева, Т.Нарбаева, Ш.Шодмонова, Ю.Шаамирова, З.Т.Салиева, Ф.Хидирова, С.Чиниева, М.Қуронов ва ва бошқа педагог олимларнинг ишларида ўз аксини топган. З.Абдурахманова, Д.Анварова, М.Давлетшин, Н.Далимова, Г.Ниёзметова, А.Қодирова, Э.Ғозиев, Ғ.Шоумаров ва бошқа психолог олимлар томонидан муаммонинг психологик жиҳатлари ўрганилган.

Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги мамлакатлари олимларидан А.П.Азаров, Е.Л.Белоусова, Л.И.Божович, М.И.Буянов, И.В.Гребенников, Т.В.Геворкян, С.В.Дзюбенко, Е.П.Ильин, И.Ю.Кульчицкая, М.Г.Личутина, В.Т.Лисовский, И.В.Пацора, И.Ф.Харламов, И.Н.Чернова, С.Штейнларнинг педагогик тадқиқотларида жамиятнинг болалар ҳуқуқларини ҳимоялашдаги роли, оила ва болаларни ижтимоий ҳимоялашга йўналтирилган фаолият мазмуни тадқиқ қилинган.

Оила тарбияси муаммолари билан илмий изланишлар олиб борган

хорижий мамлакатлар олимлари: Э.Ле Шам, Бенжамин Спок, Ада Делла Торре, Мария Земска, Клинтон, Хиллари Родем томонидан ота-она ва бола ўртасидаги зиддиятлар, келишмовчиликлар ва унинг сабаблари аниқланган

Тадқиқот мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент давлат техника университети илмий тадқиқот ишлари режаси, Республика “Оила” илмий-амалий тадқиқот маркази режасининг №А-1-069 “Ўзбекистонда оила институтини ривожлантириш ҳамда баркамол авлод тарбиясининг маънавий, ҳуқуқий, тиббий, психологик ва демографик омилларини тадқиқ этиш” (2015-2017 йй.) лойиҳалари доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади оилада вояга етмаган болаларнинг ижтимоий онгини тарбиялаш тизимини ривожлантириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

оилада вояга етмаган болаларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш мазмунини ривожлантириш;

глобаллашув ва ахборот-коммуникация технологиялари жадал ривожланиб бораётган шароитда вояга етмаган болалар ижтимоий онгини тарбиялашнинг устувор йўналишларини такомиллаштириш;

фуқаролар йиғини тавсиялари “Оила-маҳалла-таълим муассасаси” жамоат кенгаши ҳамда “Ота-оналар университети” жамоатчилик тузилмаси билан ўзаро интегрatív ҳамкорлик асосида болаларнинг ижтимоий онгини тарбиялаш тизимини ривожлантириш;

оилада вояга етмаган болалар назоратини кучайтириш юзасидан ота-оналарнинг маъсулиятини ҳуқуқий жиҳатдан ошириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Бухоро, Самарқанд, Навоий, Фарғона шаҳарларидаги 215 та оиладаги вояга етмаган болаларнинг ижтимоий онгини тарбиялаш жараёни танлаб олиниб, тажриба-синов ишларига 423 нафар вояга етмаган болалар ва 215 нафар респондент ота-оналар жалб қилинди.

Тадқиқотнинг предмети оилада вояга етмаган болаларнинг ижтимоий онгини тарбиялаш тизимини ривожлантиришнинг мазмуни, шакл ва методлари ҳамда воситалари.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда унинг мақсади ва вазифаларига қаратилган педагогик кузатув, электрон сўров ва тест синовлари, моделлаштириш, қиёслаш, математик-статистик таҳлил ҳамда тажриба-синов методларидан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

“Ота-оналар университети” жамоатчилик тузилмасининг ҳамкорлиги йўналишлари (яхлит, индивидуал, табақалаштирилган) таркибига вояга етмаган болалар ижтимоий онгини тарбиялаш функцияларини (билиш, фарқлаш, мотивация, баҳолаш, эътиқодга оид) киритиш асосида аниқлаштирилган;

вояга етмаган болалар ижтимоий онгининг тарбияланганлигини таҳлил

жараёнлари “Оила-маҳалла-таълим муассасаси” ҳамкорлик фаолияти мониторинги кўрсаткичларига (ижтимоий, интеллектуал, психологик, коммуникатив, мослашувчанлик) устуворлик бериш асосида такомиллаштирилган;

ижтимоий онг ва маънавий муҳитга қаратилган ўқув жараёнининг педагогик технологиялари компьютер ва мобил технологияларнинг ахборот таҳдидларидан ҳимоялашга йўналтирилган имкониятлари (дастурли, намоёйишли, таъсирли, интерфейсли) асосида такомиллаштирилган;

оилада вояга етмаган болалар ижтимоий онгини тарбиялаш тизимини ривожлантиришнинг ахборот-методик таъминоти медиатеكنولوجياлардан фойдаланиш муаммоларини гуруҳлаш (билиш, англаш, муносабат, таъсир) асосида такомиллаштирилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагиларда ўз аксини топган:

замонавий оила модели асосида “Оталар мактаби”, “Маҳалла фахрийлари биз, ёшлар, билан” тўғараги фаолиятининг педагогик ҳамкорлик режалари ишлаб чиқилди;

“Оила-маҳалла-таълим муассасаси” ҳамкорлик тизими, вояга етмаган болаларнинг ижтимоий онгини тарбиялаш мезонлари, медиа технологиялардан фойдаланиш муаммоларига оид таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди;

оилада вояга етмаган болаларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш борасида “Фуқаролар йиғинлари ҳузурида ота-оналар университети” жамоатчилик тузилмаси билан ҳамкорликда “Оммавий маданият ва биз, вояга етмаган болалар”, “Оилам – мен учун муқаддас даргоҳ”, “Китоб билан бўл ўртоқ – китоб доимий ҳамроҳ” мавзуларида семинар-тренинг, китобхонлик кечалари, маърифий тадбирлар ўтказилди;

“Оилада вояга етмаган болаларнинг ижтимоий онгини тарбиялаш тизимини ривожлантириш” андазаси, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг вояга етмаганлар, ёшлар ва спорт масалалари билан ишлаш комиссияси” учун оилада вояга етмаган болаларнинг ижтимоий онгини тарбиялашда “Оила-маҳалла-таълим муассасаси” ҳамкорлигига бағишланган илмий-услубий қўлланма ишлаб чиқилган ва амалиётга татбиқ этилмоқда.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги қўлланилган ёндашув, усуллар илмий-методик асосланганлиги, назарий маълумотларнинг расмий манбалардан олинганлиги, келтирилган таҳлиллар, тажриба-синов ишлари самарадорлиги математик-статистик методлар воситасида аниқланганлиги, ҳулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалиётга жорий этилганлиги ҳамда ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти таклиф этилган “Ота-оналар университети” жамоатчилик тузилмасининг ҳамкорлиги йўналишлари таркиби инсонпарварлик ва таълимий-тарбиявийликка йўналтирилган функционаллик асосида аниқлаштирилгани, “Оила-маҳалла-таълим муассасаси” ҳамкорлиги жараёнлари вояга етмаган болалар ижтимоий онгининг тарбияланганлик

мезонлари (ижтимоий, интеллектуал, психологик, коммуникатив, мослашувчанлик) кўрсаткичларини тизимлаштириш асосида такомиллаштирилгани; оилада вояга етмаган болалар ижтимоий онгини тарбиялаш тизимини ривожлантиришнинг ахборот-методик таъминоти медиатеchnологиялардан фойдаланиш муаммоларини гуруҳлаш (билим, англаш, муносабат, таъсир) асосида такомиллаштирилгани; фуқаролик жамияти институтлари ҳамкорлигининг самарали шакллари белгиланганлиги, вояга етмаган болалар ижтимоий онгини тарбиялашнинг устувор йўналишлари мазмуни илмий асосланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти унда олға сурилган илмий-назарий ғоялардан оилада вояга етмаган болалар ижтимоий онгини тарбиялаш андозасини, замонавий оила модели мазмунини яратишда, бола тарбиясида ота-оналарнинг маъсулиятини ошириш бўйича ҳуқуқий нормани кучайтиришда, вояга етмаган болаларнинг ижтимоий фаоллигини оширишнинг янги шакли (болалар парламенти) мазмунини такомиллаштиришда қўлланилганлиги билан тавсифланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Оилада вояга етмаган болаларнинг ижтимоий онгини тарбиялаш тизимини ривожлантиришга доир тадқиқот натижалари асосида:

оилада вояга етмаган болалар ижтимоий онгини шакллантиришнинг ҳуқуқий негизлари, “Ота-оналар университети” жамоатчилик тузилмаси ҳамкорлиги ёндашувлари, ижтимоий онгини тарбиялаш мезонларига оид таклиф ва тавсиялардан Ўзбекистон Республикасининг “Маъмурий жавобгарлик” тўғрисидаги кодексининг 47-(1) ва 47-(2) бандига қўшимча ва ўзгартишлар киритишни асослашда фойдаланилган (Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг 2018 йил 25 июлдаги 04-5-5-05-сон маълумотномаси). Натижада, оилада вояга етмаган болаларни назоратсиз қолдириш, ўз фарзандларининг сабабсиз дарс қолдиришларини олдини олишда ота-оналар маъсулиятини ошириш, ҳамкорлик самарадорлигини таъминлаш имконияти яратилган;

“Оила-маҳалла-таълим муассасаси” ҳамкорлик тизими, вояга етмаган болалар ижтимоий онгини тарбиялаш мезонлари, медиатеchnологиялардан фойдаланиш муаммоларига оид таклифлар Республика “Маҳалла” хайрия жамоат фонди қошидаги Фуқароларни ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича республика кенгашининг 2017 йил 22 февралдаги мажлиси 28-сон баёни билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикасида 2017 йилда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолияти самарадорлигини янада оширишга қаратилган чора-тадбирлар Дастури” (1/1, 2/8, 3/14, 3/19, 4/33 бандлари) мазмунига сингдирилган. (ФЎЎБО фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Республика кенгашининг 2018 йил 25 январдаги 02/01-50-сонли маълумотномаси). Натижада, маҳаллаларда ота-оналар ва вояга етмаган болалар билан амалга оширилган тарбиявий ишларнинг самарадорлиги ошган;

оилада вояга етмаган болаларни ахборот таҳдидларидан ҳимоялашга йўналтирилган педагогик технологиялар, ижтимоий онгини ривожлантириш

ва маънавий муҳитни соғломлаштиришга қаратилган компьютер ва мобил технологияларини қўллаш, ижтимоий онгини тарбиялаш тизими ахборот-методик таъминотига оид таклиф ва тавсиялари “Соғлом оила - соғлом жамият” концептуал ғоясини ҳаётга татбиқ этиш, оилаларда ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштириш жараёнларига татбиқ этилган (Республика “Маънавият ва маърифат марказининг” 2018 йил 4 июлдаги 2-2-2-сонли маълумотномаси). Натижада, вояга етмаган болаларнинг ғоявий ва маънавий таҳдидларга қарши иммунитетини шакллантириш самарадорлиги ошган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 27 июндаги “Ўзбекистон Республикасида оила институтини мустаҳкамлаш концепциясини тасдиқлаш тўғрисидаги” ПҚ-3808 Қарорининг 2 –иловасининг (“Йўл харитаси”) 4 йўналиши 22, 24, 25 - бандларини шакллантиришда фойдаланилди (Республика Вазирлар маҳкамаси ҳузуридаги “Оила” илмий – амалий тадқиқот марказининг 2018 йил 19 ноябрдаги №829 - сонли маълумотномаси). Мазкур таклифлар асосида амалга оширилган таълим тарбиявий ишлар, вояга етмаган болалар тарбиясида ота – оналарнинг маъсулиятини ошириш механизмларини такомиллаштиришда ижобий самара беради.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 4 та халқаро ва 14 та республика илмий-амалий анжуманида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 33 та илмий иш, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 18 та мақола, жумладан, 14 таси республика ва 4 таси хорижий журналларда чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, уч боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат бўлиб, 142 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг “**Кириш**” қисмида мавзунинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади, вазифалари, объекти, предмети аниқланган, ишнинг Ўзбекистон Республикасида фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги, амалий натижалари, натижаларнинг ишончлилиги, назарий ҳамда амалий аҳамияти, натижаларнинг амалиётга жорий этилиши, нашр этилган ишлар, шунингдек диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг “**Оилада вояга етмаган болаларнинг ижтимоий онгини тарбиялаш тизимини ривожлантиришнинг илмий–назарий асослари**” деб номланган биринчи бобида оилада вояга етмаган болаларнинг ижтимоий онгини тарбиялаш тизимини ривожлантиришнинг меъёрий-

ҳуқуқий ва илмий-назарий асослари, вояга етмаган болалар ижтимоий онгини тарбиялаш тизимини ривожлантиришнинг тарихий тараққиёти, оилада вояга етмаган болаларнинг ижтимоий онгини тарбиялаш тизимини ривожлантиришнинг мазмуни ва амалиётдаги аҳволи илмий таҳлил этилган.

Тадқиқот жараёнида мазкур муаммонинг турли жиҳатлари педагог, психолог, файласуф, социолог, ҳуқуқшунос олимларнинг изланишларида ўрганиб чиқилганлиги аниқланган. Илмий адабиётлар таҳлиliga кўра, оилада соғлом муҳитни таъминлашга эришиш, тиббий, ижтимоий-ҳуқуқий саводхонлигини ва малакасини оширишда ота-оналарга ёрдам кўрсатиш ва фарзанд тарбияси масалалари тарихий тараққиёт йўлини босиб ўтган. Жумладан, Имом Ал-Бухорий, Абу Наср Фаробий, Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино, Юсуф хос Ҳожиб, Кайковус, Аҳмад Югнакий, Муслиҳиддин Саъдий, Амир Темур, Мирзо Улуғбек, Абдурахмон Жомий, Абдурауф Фитрат, Алишер Навоий, Абдулла Авлоний каби мутафаккирлар асарларида вояга етмаган болалар ижтимоий онгини тарбиялашнинг ўзига хос хусусиятлари, шакл методлари ўз ифодасини топган.

Ушбу муаммо юзасидан олиб борилган тадқиқот ишларида файласуф олимлар томонидан ёшларда ижтимоий онгини тарбиялашнинг мазмун ва моҳияти изоҳланган. Жумладан, таниқли философ И.Кантнинг “Соф ақл танқиди” асарида 3 саволда баён этган фалсафий билимлар моҳияти: - Мен нимани била оламан? - Мен нима қилишим керак? - Нимага умид қилишим, ишонишим керак? деган учта саволда баён этилган бўлиб, унинг жавоблари натижаси, шахснинг ижтимоийлашиб боришига қаратилган.

О.Юсупов ва Ҳ.Икромовалар, “ижтимоий онг жамият билан уйғунликда индивиднинг мустақил, эркин фикрловчи, сиёсий саводхон, ўз ҳақ-ҳуқуқларини биладиган ва юксак маънавий-ахлоқий сифатларга эга баркамол авлодни тарбиялаш демакдир” деган хулосага келишган. Р.Қиличев жамият тараққиётида ёшлар мафкуравий иммунитетини шакллантиришда, унинг ғоявий асослари ва тамойилларига амал қилишда инсон камолотининг маънавий асослари муҳим аҳамият касб этишини илмий асослаган.

Ж.Туленов ёшларни ижтимоий фаоллиги мазмуни - ижтимоий-миллий онглилик, фаоллик, миллий ғурур, ифтихор туйғуси компонентларидан ташкил топишини, М.Йўлдошев ёшларнинг ижтимоий онги негизда сиёсий маданиятни шакллантириш ётишини, Г.Инамжанова оилада ёшларни ҳуқуқий онгини шакллантириш, уларни ижтимоийлаштиришнинг асоси эканлигини илмий исботлаганлар.

О.Мусурманова ижтимоий онг ижтимоий фаолликнинг асосий категорияси деб ҳисоблайди, ҳамда ижтимоий фаолликни шакллантиришда ижтимоий муҳит: макромуҳит - инсониятни ўраб турган ижтимоий, моддий ва маънавий шарт-шароитлар; микромуҳит - бевосита инсонни қуршаб олган оила, маҳалла, меҳнат жамоаси, ўқув гуруҳлари каби тор доирадаги муҳит ролини педагогик асослаб беради.

Ҳақиқатдан ҳам, ёшлар фаол коммуникацияга киришадиган оила аъзолари, турли тоифа шахслар ва гуруҳларнинг ижтимоийлашиб бориши; ўқувчи-ёшларнинг ижтимоий тарбияси билан шуғулланувчи субъектларнинг

(ота-оналар, ўқитувчилар, фуқаролик жамияти институтлари мутахассис ходимлари, кенг жамоатчилик, тарбияланувчиларнинг) ижтимоий-сиёсий маълумотлилик даражаси; ижтимоий тарбияга оид илмий-назарий, методологик, ижтимоий-сиёсий манбаларнинг ҳаммабоп ва оммабоплиги вояга етмаган болалар ижтимоий онгини тарбиялашда муҳим аҳамият касб этади.

Шунингдек, олима тадқиқотларида ёшларда: ижтимоий-сиёсий фаолликни шакллантириш; замонавий кенг дунёқараш ва бағрикенгликни ривожлантириш; уларда мафкуравий иммунитет ва миллий ўзликни англашни шакллантириш; фуқаролик позициясини намоён этиш каби тўртта устувор йўналишларини белгилаб берган.

М.Маҳмудованинг тадқиқотларида илгари сурилган оилада байрамлар, оилавий анъаналар, хотира ва қадрлаш кунларини нишонлаш билан боғлиқ маросимларни ўтказиш, уларни миллий қадрият сифатида авайлаб-асраш, мустақиллик йилларида тикланган анъаналаримиз, “Наврўз” ва унинг оила, маҳалла, туман ва вилоятларда, бутун республикамизда нишонланиши, мамлакатимизда вояга етмаган болаларни миллий қадриятларимизни асраб-авайлайдиган шахслар бўлиб етишишлари билан бир қаторда, уларни ижтимоий фаол фуқаро сифатида тарбиялашда муҳим аҳамият касб этади.

Г. Арипованинг тадқиқот ишларида оилада толерантлик тафаккурини шакллантиришда анъанавий толерантлик ва замонавий толерантлик кўрсаткичларига таяниш илмий асосланади. Шунингдек, толерантлик тафаккурининг мезонлари: инсонга муҳаббат, унинг қадриятларини англаш, тинчлик ва осудаликда ҳаёт кечириш, раҳм-шафқат, адолатпарварлик, дунё ранг-баранглиги, ёт ғояларга қарши иммунитетнинг шаклланганлиги, миллатлар, элатлар ва турли халқларнинг тили, дини, урф одатлари ва анъаналарига ҳурматни шаклланганлиги кабилардан иборат эканлиги талқин этилади.

Ф.Абдурахимованинг фикрича, маҳаллада ёшларни соғлом турмуш тарзи асосида оилага тайёрлаш мазмуни, оилага муқаддас ва масъулиятли муносабатда бўлиш, оилани эъзозлаш, ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлаш, репродуктив саломатликни сақлаш, турмуш ва рўзғор тутиш бўйича билимлар бериш, инсон саломатлигини асраш ва ўз саломатлигига жиддий муносабатни шакллантириш, шукр, ҳаё, тежамкорлик, ҳалимлик, виқор, раҳм-шафқат, оналик меҳрини тарбиялашдан иборат.

Тадқиқотлар шундан далолат берадики, оилада вояга етмаган болаларнинг ижтимоий онгини тарбиялашда оила китобхонлигининг ўрни ниҳоятда каттадир. Бу борада, Президентимиз томонидан 2017 йил 13 сентябрдаги “Китоб маҳсулотларини нашр этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғибот қилиш бўйича комплекс чора - тадбирлар дастури тўғрисида” ги ПҚ 3271 – сонли Қарори ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилади.

Жумладан, олима С.Чиниеванинг тадқиқот ишларида оилада китобхонликни шакллантиришда болаларда китобга меҳр уйғотиш ва китобларни авайлаб-асраш кўникмасини ҳосил қилиш, уларнинг ёши ва

тайёргарлик даражасига мос китобларни танлаш, оилада китоб заҳирасини ҳосил қилиш, оилада болаларнинг китоб ўқишини кузатиш ва китоб ўқишни тизимли ташкил этиш, китоб ўқишнинг самарали метод ва усулларидан фойдаланиш, ўқилган китобларни ҳисобга олиб бориш ва улар ҳақидаги фикрларни тинглаш фарзанд тарбиясида алоҳида ўрин эгаллашини илмий асослаган.

Тадқиқот ишларининг кўрсатишича, китоб ўқишни босқичма-босқич олиб бориш, болаларни ўқиган китоблари юзасидан фикр юрита олишга ўргатиш, ўқиган китоблари юзасидан суҳбат ўтказиш, болаларни китоб ўқишга мажбур қилиш эмас, уларда хоҳиш-истак уйғотиш, болалар китобхонлигини ташкил этишда оила↔мактаб↔оила тизимини яратиш, илмий-оммабоп адабиётларни тайёрлаш, чоп этиш ва уларни ҳар бир оилага кириб боришини таъминлаш, оммавий ахборот воситаларида махсус рукнлар ташкил этиш, тўпланган тарихий тажрибани илмий-назарий ўрганиш илмий хулосаларни амалиётга татбиқ этишни тақозо этади.

Психолог олим Ғ.Шоумаровнинг фикрича, оилада бола тарбиясида ижтимоий психологик хусусиятларнинг аҳамияти ниҳоятда катта бўлиб, унда авлодлараро ворислик, шажараларнинг бардавомлиги, ёшларнинг оила ва никоҳни қадрият сифатида эътироф этиши ва бошқалар асосий роль ўйнайди.

Диссертацияда, турли соҳа олимларининг илмий изланишларини ўрганиш жараёнида ижтимоий онг тушунчаси педагогик жиҳатдан талқин этилмаганли асосланган. Шу боис, ушбу атама мазмун ва моҳияти муаллифлик ёндашуви асосида баён этилган. Бизнинг фикримизча, ижтимоий онг – шахсни ижтимоийлашув жараёнида жамият тараққиёти учун (жамиятнинг ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маданий-маърифий, ғоявий-мафкуравий ривожланиши) онгли равишда фаолиятга тайёрлаш, бола томонидан қабул қилинаётган реал ҳаёт образи, жумладан, боланинг ташқи муҳитни тўғри қабул қилиш даражаси, болани жамият тараққиётига ўзининг улушини қўшишга тайёрлаш жараёни. Ижтимоий онг туфайли жамиятнинг ўз-ўзини англаши содир бўлади, кечаётган жараёнларга муносабати шаклланади. Дарҳақиқат, ижтимоий онгни тарбиялашнинг асосий пойдевори оила ҳисобланади.

Ушбу мавзу илмий-назарий тадқиқ этилишидан олдин атамаларнинг мазмун ва моҳиятига муаллифлик ёндашуви бўлмоғи лозим. Жумладан, “ижтимоий онг”, “онг” тушунчаси кенг маънога эга бўлиб, унинг мазмун ва моҳияти турли соҳа олимлари томонидан турлича талқин этилади.

Диссертацияда, вояга етмаган болалар ижтимоий онгини тарбиялаш тизимини ривожлантиришда онгнинг қуйидаги тавсифларига эътибор берилган:

1. Боланинг атроф-муҳит воқеа - ҳодисаларни сезиши, идрок этиши, диққатини қаратиши, хотирасида сақлаши, тафаккур эта олиши муҳим. Бу эса инсоннинг билиш жараёнларига киради. Инсон ана шу билиш жараёнлари ёрдамида ўз билимларини доимо бойитиб боради.

2. Боланинг субъект билан объект ўртасидаги фарқни англаши, яъни “мен” деган тушунча билан “мендан бошқа” деган тушунчани англаб этиши

муҳимдир.

3. Болада онг ёрдами билан мотив (фаолиятга ундовчи ички туртки) - мақсадни кўзлаш фаолияти таъминланади. Фаолият мақсадларини яратиш эса онгнинг вазифасига киради.

4. Болалар теварак атрофимизда содир бўлаётган воқеаларни ва ўзининг ҳаракатини, аниқ дунё объектларини ҳар хил баҳолайдилар. Оилада ташкил этиладиган мулоқот жараёнида объектив борликни тўғри баҳолаш, тарбияда “Мен концепцияси”, ўзи ҳақида ва атроф-муҳитнинг борлиги ҳақида бутун хабарларни бола ижтимоий онг ёрдамида ажратиб олади.

5 Ўз ҳақ-ҳуқуқларини билиш, дунёқараш ва мустақил фикрга эга бўлиш, фуқаролик манфаатларини ижтимоий-сиёсий қўллаб-қувватлаш онг ёрдамида амалга оширилади;

6. Демократик қадриятларга эътиқод, демократик фуқаролик жамиятида яшаш кўникмаларини намоён этиш, инсон ҳуқуқларини ҳурматлаш ва тан олиш, ватанга садоқат ва унинг тақомили учун сидқидилдан хизмат қилиш руҳиятини намоён этади;

Тадқиқотлар жараёнида, оилада ота - онанинг, оила шажарасининг, оилани ўраб турган муҳитнинг, оила - таълим муассасаси - кенг жамоатчилик ҳамда фуқаролик жамияти институтларининг ижтимоий ҳамкорлиги, оилада болаларнинг ижтимоийлашувида муҳим таъсир кучига эга эканлиги аниқланди. Шунингдек, вояга етмаган болалар ижтимоий онгини тарбиялашда қатор педагогик - психологик қоидаларга амал қилиш тақозо этилади. Яъни,

- вояга етмаган болалар ижтимоий онгини тарбиялаш жараёнини педагогик-психологик диагностика қилиш асосида, тарбиявий ишларни ташкил этиш; вояга етмаган болалар билан олиб бориладиган тарбиявий тадбирлар унинг ёши, дунёқараш, майли, қобилияти ва қизиқишига мослигини инобатга олиш; тарбиявий тадбирнинг қизиқарлилиги, болаларнинг ҳаётий позициясига мослигига эътибор бериш; тарбиявий тадбирни ташкил этишда таълим муассасаси ва фуқаролик жамияти институтлари ҳамкорлигини таъминлаш; танланадиган тарбиявий иш шакл ва методларининг замонавийлиги, қизиқарлилиги, маълумотлар қамровининг ҳаётийлигига эришиш ва б.қ.

Ҳақиқатда вояга етмаган болаларнинг ижтимоий онгини тарбиялаш, уларнинг маънавий, ҳуқуқий саводхонлигини ошириш, қонун ва қонуности ҳужжатларни яхши билиши ва ўз билимини ошириб боришининг тамал тошлари оилада қўйилади.

Диссертацияда, оилада вояга етмаган болаларда ижтимоий онгини тарбиялаш тизимини ривожлантириш тушунчасининг педагогик мазмуни тасниф этилган: оила → вояга етмаган болалар → жамият → ижтимоий онг ва тафаккурни шакллантириш → ўз ўзини англаш → кундалик онг → назарий онг → ижтимоий руҳият → ижтимоий мафкура → сиёсий онг → ёшларни терроризм ва диний экстремизм, сепаратизм, фундаментализм, зўравонлик ва шафқатсизлик ғояларидан ҳимоя қилишга эришиш → ўз ҳуқуқ ва эркинликларини билиш → “оммавий маданият гирдобига тушиб

қолмаслик” → жамият, оила, меҳнат ёки ўқиш даргоҳи, маҳаллада ижтимоий онгни вояга етмаган болалар кундалик турмуш тарзига киритишга ҳаракат қилиш ва жамиятга ижобий таъсир ўткази олиш каби тушунчаларнинг узвийлиги, улар давомийлиги ва устуворлигини талаб этиши тадқиқ этилган.

Илмий тадқиқот, муаммонинг амалиётдаги аҳволини ўрганиш “Ота-оналар университети” машғулоти орали ота-оналарга фарзандлари билан ўзаро муносабатларини мустаҳкамлашда маҳалла ва оиланинг жамиятдаги ўрни алоҳида эканлигини тушунтириш, оилада вояга етмаган болалар ижтимоий онгини ривожлантиришда қуйидаги тамойилларга асосланиш лозимлигини кўрсатди:

- яхлит ёндашув - вояга етмаган болаларни биологик ва руҳий, ахлоқий ва маънавий, ғоявий-сиёсий жиҳатдан ўз-ўзини англаши асосида; индивидуал ёндашув - вояга етмаган болаларни ижтимоий муҳофазага эҳтиёж сезувчи, индивидуал муносабатда бўлишни талаб этувчи шахс деб қараш; юксак ижтимоий қадриятларнинг инсон шахсини ривожлантиришдаги ўрни ва оилада тарбия топаётган ҳар бир боланинг индивидуаллиги ва такрорланмас эканлиги ҳурмат қилиниши, унинг ижтимоий ҳуқуқ ва эркинликлари эътироф этилиши; табақалаштирилган ёндашув - ижтимоий институтларнинг асосий функцияларига мувофиқ келадиган, тарбия жараёнидаги объектларнинг индивидуаллигини ҳисобга олган ҳолда, тарбиявий иш мазмуни, шакл ва методлари, воситалари танлаб олиниши; табиат билан уйғунлик ёндашуви – боланинг индивидуал – шахсий хусусиятларини ўрганиш ва тарбиялаш; боланинг қизиқиш ва эҳтиёжларига таяниш; психологик-педагогик ташхис, маслаҳат ва коррекциянинг ўзаро алоқадорлигини таъминлаш; инсонпарварлик ёндашуви - оилада ота-она, бобо-буви ва яқин қариндошлар ўртасида ўзаро ҳурмат, боланинг фикрини диққат билан тинглаш, уларга меҳрли ва эътиборли муносабатда бўлиш, боланинг ўз ҳақ-ҳуқуқларини билиши ва ҳимояланганлиги, бола ўзини керакли ва аҳамиятли ҳис этиши, оилада қулай психологик иқлимнинг яратилганлиги; таълимий-тарбиявий ёндашув - ўқув тарбиявий жараёнда “Оила- маҳалла ва таълим муассасаси” ҳамкорлигига таяниш.

Ушбу ҳамкорликнинг самарали йўлга қўйилиши ёшлар орасида турли салбий одатлар, ҳуқуқбузарлик ва жиноятлар содир этилишининг, шунингдек, гиёҳвандлик, диний экстремизм, “оммавий маданият” ва шунга ўхшаш иллатларнинг олдини олишда, уларни спортга жалб этиш, бўш вақтларини мазмунли ўтказишда қўл келмоқда. Асосийси бу ҳамкорлик доирасида ёшларни ҳам жисмонан, ҳам маънан етук қилиб тарбиялаш, оилаларни мустаҳкамлаш, таълим сифати ва самарадорлигини ошириш орали жамиятда соғлом турмуш тарзини қарор топтиришга эришишдан иборатдир.

Диссертациянинг **“Оилада вояга етмаган болаларнинг ижтимоий онгини тарбиялаш тизимини ривожлантириш технологиялари”** деб номланган иккинчи бобида оилада вояга етмаган болаларнинг ижтимоий онгини тарбиялаш тизимини ривожлантиришнинг шакллари ва усуллари, оилада вояга етмаган болаларнинг ижтимоий онгини тарбиялаш тизимини

ривожлантиришда “Оила – маҳалла – таълим муассасаси” ҳамкорлиги, оилада вояга етмаган болаларнинг ижтимоий онгини тарбиялаш тизимини ривожлантиришда медиатеологияларнинг ўрни ва роли илмий-методик асосланган.

Оилада вояга етмаган болалар ижтимоий онгини тарбиялаш мураккаб ва мазкур жараёни технологиялаштириш ҳамма вақт ҳам кутиладиган натижаларга тўлиқ эришишга имкон бермайдиган қуйидаги белгиларга эга: ижтимоий онгини тарбиялаш яхлит тавсифга эга, ҳамма оилаларда педагогик билим етишмайди, педагогик таъсир эса алоҳида сифатларни босқичма босқич шакллантириш тарзида амалга ошади. Ижтимоий онгини тарбиялаш орқали болада мустақил фикрлаш, дунёқарашларини шакллантириш, фикр соғломлигига эришиш, ҳуқуқий маданиятни, сиёсий онг ва саводхонликни тарбиялашга эришилади.

Оилада бола томондан қабул қилинаётган реал ҳаёт образи, жумладан, боланинг ташқи муҳитни тўғри қабул қилиш даражаси, унинг имконият факторлари билан боғлиқдир. Маълумки, вояга етмаган болаларнинг ижтимоий онгини тарбиялаш, ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, сиёсий саводхонлигини ошириш, жиноятчиликнинг олдини олиш масаласи ҳар доим ҳам энг муҳим ва долзарб масалалардан бўлиб келган. Биз олиб борган тадқиқотлар жараёнида замонавий намунали оила моделини яратилганлиги, “Оилада вояга етмаган болаларда ижтимоий онгини тарбиялаш” андозаси ишлаб чиқилганлиги, фуқаролар йиғинлари ходимлари, таълим муассасаларида фаолият олиб боровчи ходимлар, соҳа мутахассислари учун “Оилада вояга етмаган болаларнинг ижтимоий онгини тарбиялашда “Оила-маҳалла-таълим муассасаси ҳамкорлиги” мавзусидаги илмий - услубий қўлланма амалиётга татбиқ этилгани ижобий самара берди.

Замонавий оила модули асосида “Оталар мактаби”, “Маҳалла фахрийлари” тўғараги фаолиятининг педагогик ҳамкорлик режалари тузилди, “Оммавий маданият ва биз вояга етмаган болалар”, “Терроризм давр кушандаси”, “Бунёдкорлик – фаровон ҳаёт гарови”, “Фарзанд тарбиясида ота-она масъулияти”, “Қадриятларни кадрлаймиз”, “Оилам - мен учун муқаддас даргоҳ”, “Биз буюк Шарқ фарзандларимиз”, “Китоб билан бўл ўртоқ - китоб доимий ҳамроҳ” мавзуларида суҳбат, семинар-тренинг, китобхонлик ва бадиий кеча, иншо ёзиш, маърифий тадбир, танловлар ўтказилди.

Дунёда ноёб, ўхшаши йўқ маҳалла тизимида вояга етмаган болаларда ижтимоий онгини шакллантириш учун бутун аҳоли қатламларини кенг жалб қилиш имконияти мавжуд. Чунки мазкур тизим ўзининг мамлакат миқёсидаги структурасига, административ кадрларига, иш олиб боришнинг ўзига хос ишланган йўналишларига эга. Маҳаллада: ҳар бир инсон амал қилиши керак бўлган муайян ахлоқий қонунлар ишлаб туради; муомалада бир қатор ахлоқий тамойилларга асосланади; жамиятга ишонч ва ҳурмат, шахсий намуна кучи, катталарга ҳурмат, болаларга ғамхўрлик қилиш азалдан мавжуд; ахлоқ ва жамоатчилик тарбияси амалий фаолиятга киришиш орқали амалга оширилади; ижтимоий онг қадриятлари маҳалладан оилага ва шахсга

узатилади; алоҳида шахс ҳаётининг асосий босқичлари жамоанинг барча аъзолари томонидан кузатувда бўлади.

Оилада вояга етмаган болаларнинг ижтимоий онгини тарбиялашда:

- ота-оналарда психологик ва педагогик тамойиллар, шарт-шароитлар, омиллар, қонуниятларга амал қилиш кўникмаларини ҳосил қилиш; оилада болаларнинг китоб ўқишини кузатиш ва китоб ўқишни тизимли ташкил этиш; илғор тажрибалар, дунё фанида илгари сурилган назарий ғояларга таяниш; вояга етмаган болаларнинг ижтимоий онгини тарбиялашда ёш, шахсий, жинсий хусусиятларини инобатга олиб, тарбиявий ишларни ташкил этишда уларга индивидуал муносабатда бўлиш; оилада вояга етмаган болаларнинг ижтимоий онгини тарбиялаш тизимини ривожлантириш бўйича илмий-оммабоп адабиётларни тайёрлаш, чоп этиш ва уларнинг ҳар бир оилага кириб боришини таъминлаш, ОАВ да махсус рукнлар ташкил этиш; вояга етмаган болаларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш бўйича жамоатчилик ишларини ташкил этиш ва амалга ошириш; оилада бола тарбияси борасида тўпланган тарихий тажрибани илмий-назарий ўрганиш, хулоса ва тавсияларни амалиётга татбиқ этишга алоҳида эътибор қаратиш муҳим аҳамиятга эгадир.

Тадқиқотларимиз натижаси шуни кўрсатдики, ота-оналаримиз оилада вояга етмаган болалар ижтимоий онгини тарбиялаш жараёнини қуйидаги тўрт аспект орқали амалга оширишса, мақсадга мувофиқ бўлиши аниқланди: ҳуқуқий-меъёрий, ижтимоий педагогик фаолият (тарбия технологияси), “Оила-махалла-таълим муассасаси ҳамкорлиги” (ҳамкорлик технологияси), психологик ёндашув аспекти (мотивацион соҳа, интеллектуал билиш соҳаси, коммуникатив ҳулқ-атвор, миллий характернинг эмоционал - иродавий жиҳатлари).

Мазкур аспект ёрдамида оилада вояга етмаган болаларда ижтимоий онгини тарбиялаш тизимини ривожлантиришда махсус андаза асосида иш олиб бориш болаларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари самарадорлигини таъминлаши билан белгиланди.


Демак, вояга етмаган болалар ижтимоий онгини тарбиялаш асосан уч йўналишда олиб борилади:

1. Ота-оналар томонидан, оила муҳитида.
2. Тарбиячи ва ўқитувчилар томонидан, таълим муассасаларида.
3. Ўзи истиқомат қилаётган маҳаллада.

Болалар содир бўлаётган воқеаларни ва ўзининг ҳаракатини, аниқ дунё объектларини ҳар хил баҳолайдилар. Шунингдек, жамиятнинг иқтисодий такомилли, ижтимоий адолат мезонлари, илмий-техникавий тараққиёт даражаси, ахборотлаштириш, барқарорлик омиллари, жамият аъзолари ўртасида фуқаролик келишувининг мавжудлиги вояга етмаган болалар келажагини таъминловчи муҳим омиллардан ҳисобланади.

Вояга етмаган болалар ижтимоий онгини тарбиялаш тизимини ривожлантириш реал ҳаётда ўз ўрнини топмаса, фақат қоғозда бўлади, холос. Тажриба-синов ишлари “Оила-махалла-таълим муассасаси” ҳамкорлик стратегияси асосида вояга етмаган болалар ижтимоий онгини тарбиялаш

андазаси асосида амалга оширилди.



1 – расм. “Оила-маҳалла-таълим муассасаси” ҳамкорлик тизими асосида вояга етмаган болалар ижтимоий онгини тарбиялаш андазаси

Мазкур андаза оилада вояга етмаган болалар ижтимоий онгини тарбиялаш тизимини ривожлантириш учун методик асос бўлиб хизмат қилади.

Вояга етмаган болаларнинг билими, маънавияти, интеллектуал салоҳияти, ғоявий ва сиёсий саводхонлик даражаси, тафаккур бойлиги, ҳаракатчанлиги ижтимоий ўзгаришларга тайёрлиги ва уларни қабул қила олиши жамиятнинг умумий тараққиёт даражасини белгилайди. Инсон биосоциал мавжудот бўлиб, атроф - олам ҳақидаги бутун хабарларни ижтимоий онг ва билиш психик жараёнлари орқали ажратиб олади.

Халқимизда “Бир болага етти қўшни ота-она” деган ибратли нақл бор. Ҳақиқатда бугунги кунда турмуш ташвишлари бир қадар “қўшни болалар” фаолиятига аҳамият беришимизни чеклаб қўймоқда, ҳаттоки айрим оилаларимизда фарзандларимиз қандай интернет тармоғидан фойдаланаётганлари билан қизиқиб кўрмаётганликлари ачинарли ҳол албатта. Диссертацияда оилада вояга етмаган болалар ижтимоий онгини тарбиялаш тизимини ривожлантириш жараёнида медиатеchnологиялардан

фойдаланишдаги муаммолар атрофлича илмий таҳлил этилган.

Оилада вояга етмаган болаларнинг ижтимоий онгини тарбиялаш тизимини ривожлантириш жараёнида медиатехнологиялардан фойдаланишнинг энг муҳим ва биринчи вазифаси куйидаги муаммоларни бартараф этишга боғлиқ бўлади.

1-жадвал

Оилада вояга етмаган болалар ижтимоий онгини тарбиялаш тизимини ривожлантириш жараёнида медиатехнологиялардан фойдаланишдаги муаммолар

№	Муаммо гуруҳи	Муаммолар	Сабаблари
1.	билим	Турли тоифадаги оилаларда ота-оналар ўртасида педагогик билимларнинг етарли эмаслиги	Глобаллашув ва акселерация жараёнлари туфайли мавжуд эҳтиёжларнинг ортиб бориши
2.	англаш	Ота-оналаримиз янги технология инсонни тараққиётга етаклайдими, таназзулга? деган савол моҳиятини чуқур англаб етмагани	Оилада болаларимизга ҳаддан ташқари эркинлик берилиб, телефон, интернет, планшет совға қилиниб болалар бу имкониятдан қандай фойдаланаётгани билан кизиқмаслигимиз
3.	муносабат	Китобга бўлган муносабатнинг болалар ўртасида кескин пасайиб кетиши. Шу боис бугунги вояга етмаган болалардан ота - бобоси яшаган давр ҳақида сўрасангиз, аксарияти “э, бу тош даври-ку!” деб кўя қолади	Оилада фарзанд бўш вақтларини нотўғри тақсимланиши ва ота-оналар томонидан етарли эътибор қаратилмаётганлиги
4.	таъсир	Индивидуал, “виртуал ахборот” майдонини, унинг руҳий фаолиятига таъсир этиш технологияларидан фойдаланиш имконини билмаслик	Шарқона муносабатлар илми: мулоҳазалилик, мушоҳадалилик, ҳар қандай воқеа ва ҳодисаларга акл-идрок йўриғи билан ёндош тамойили устуворлигига эришиш

